РЕКРЕАЦИЯ ВА ЭКОТУРИЗМ ЖИҲАТЛАРИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ) МИСОЛИДА

Шерзод Иброим ўғли Иброимов
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Самарқанд вилояти рекреация ва экотуризмни ривожлантириш жиҳатлари очиб берилган ва унга берилган изоҳлар келтирилган.

Калит сўзлар: туризм, экология, пансионат, минталитет, биологик ресурслар

EXAMPLES OF RECREATION AND ECOTURISM (SAMARKAND REGION)

Sherzod Ibroim ugli Ibroimov
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article reveals the aspects of the development of recreation and ecotourism in Samarkand region and provides comments on it.

Keywords: tourism, ecology, boarding house, mentality, biological resources

КИРИШ

Зарафшон водийси деярли кенглик бўйича шарқдан ғарбга 766 км чўзилган бўлиб, ўраб томони очиқ ва нишабдир. Вилоят аниқ табиий чегаралар билан ажралган бўлиб, шимол томондан Чумғартоғ, Ғубдинтоғ, Қароқчитоғ, Оқтоғ ва Қоратоғ, жанубдан Қоратепа, Зиёвуддин ва Зирабулоқ тоғлари билан ўралган, шарқий чегараси эса шартли равишда Тожикистон билан бўлган чегараорқали ўтади.

Рельефи. Вилоят ер юзаси асосан палеоген, неоген ва антропоген давр чўкинди жинсларидан таркиб топган.

Вилоятнинг рельефи асосанясси текислик бўлиб, шарқдан ғарбга томон нишабдир. Самарқанд шаҳри яқинида мутлақ баландлик 727 м, Каттақўрғонда 450 м. Иккинчи томондан, вилоят марказий қисмидан шимолга ва жанубга-водийни ўраб турган тоғларга томон баландлаша борди. Бу қисм рельефи ўнқир-

чўнқир ерлардан иборат тоғолди текисликлардир. Зарафшон водийси рельефининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, у гоҳ кенгаяди, гоҳ тораяди.

Зарафшон водийсининг ана шундай кенгайган жойида Самарқанд ботиғи жойлашган. Самарқанд ботиғи анча кенг, рельефига кўра қирлардан иборат бўлиб, ғарбда то Хазар йўлагигача 220 км га чўзилади. Унинг кенглиги 50-60 км га етади. Ботиқнинг жанубида унча баланд бўлмаган Қоратепа, Зиёвуддин, Зирабулоқ тоғлари, шимолда эса Қароқчитоғ, Оқтоғ ва Қоратоғлар жойлашган. Бу тоғларнинг Самарқанд вилоятига қараган ёнбағирлари сойлар ва вақтли сувлар таъсирида емирилган. Вилоятнинг бу қисмида Зарафшон дарёсининг учта кўҳна қайрлари бўлиб, улар лёссимон юмшоқ жинслардан тузилган. Шу сабабли оқар сувлар натижасида улар ювилиб, жуда кўп жарлар ҳосил қилган. Бундай жарлар, айниқса Самарқанд шаҳрининг жануби-ғарбида кўп. Ҳатто Самарқанд ботиғининг шимолий қисмидаги Оқтепа ва Андан сойлари орасидаги 220 кв.км ҳудудда 100 дан ортиқ жарлар вужудга келган. Демак, Самарқанд ботиғида рельефнинг характерли хусусиятларидан бири- бу сув эррозиясидир. Ҳозирги жарларнинг вужудга келишига чек қўйиш, борларини кеннгайтирмаслик учун бундай ерларга кўп йиллик экинлар (жар чеккаларига) дарахтлар ўтқазилмоқда.

Самарқанд ботиғи ғарбга томон торайиб боради. Натижада Зиёвуддин ва Қоратоғнинг ғарбий давоми бўлган Абтобач, Азкалор, Хазар платолари бир-бирига жуда яқинлашади ва Хазар йўлагини ҳосил қилади. Бу ерда Зарафшон водийси торайиб, унинг кенглиги 8-10 км бўлиб қолади. Хазар қишлоғидан ғарбга ўтгач, Зарафшон водийси яна кенгаяди ва пасаяди.

Иқлими. Самарқанд вилояти иқлими Туркистоннинг текислик қисмидаги ўхшаш- ёз жазирама, иссиқ ва қуруқ, қиш совуқ, ёғин кам бўлади. Лекин вилоят жанубий кенгликларда бўлганлигидан ва қисман бўлсада, шамол, шимоли-шарқ ва шарқ томонлардан тоғлар билан ўралганлигидан қишда ҳаво ҳаддан ташқари совуб кетмайди. Январ ойининг ўртача ҳарорати – 0 – 1,3 ^{0}C бўлади. Баъзан арктика ҳаво массалари кириб келганда энг паст ҳарорат – 24 – 35 ^{0}C гача пасаяди. Ёзда эса, аксинча, ҳаво очиқ бўлиб, жуда исиб кетади. Натижада июлнинг ўртача ҳарорати +26 +28 ^{0}C атрофида бўлиб энг юқори ҳарорат эса +40 +44 ^{0}C га етади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Вилоятга баҳор ва кузда баъзан арктика ҳаво массалари бостириб келиб, ҳавони совутиб юборади баҳорда бўладиган охирги совуқлар тахминан март ойининг учинчи ўнг кунлигига тўғри келади. Вилоятда бир йилда 213-215 кун совуқ бўлмайди. Ҳарорат +10 ^{0}C дан юқори бўлган кунлар сони 212-215,

вегетация давридаги ижобий ҳароратларнинг йиғиндиси эса 4300-5050^0 ни ташкил этади.

Самарқанд вилоятида ёғин кам – ғарбдан шарққа томон ортиб боради. Каттақўрғонда йиллик ёғин миқдори 282 мм (мутлоқ баландлиги 695 м), Самарқандда (мутлақ баландлиги 695 м) 328 мм. Йиллик ёғиннинг кўп қисми (44-49%) баҳор ва қишга тўғри келади, ёзда бор-йўғи 2,0-4,0 % ёғин ёғади.

Ёғиннинг бир қисми қор тарзида тушади, лекин ҳароратнинг юқори бўлиши туфайли қор қоплами узоқ турмайди, тез эриб кетади. Қишда қор қоплами ўртача 7-15 см қалинликда бўлиб, 15-20 кун эримай туради.

Сувлари. Самарқанд вилоятининг асосий дарёси Зарафшондир. У Туркистоннинг катта сув артерияларидан бири бўлиб, Кўксув тоғ тугунидан жойлашган Зарафшон музлигидан бошланиб, Амударёга 20 км етмасдан Сандиқли ва Эшакчи қумлари орасига сингиб кетади. Шу масофада унинг узунлиги 781 км, ҳавзасининг катталиги 43 минг кв км дир. Лекин шундан фақат 12,3 минг кв км бўлган тоғли қисмидагина сув йиғилади, холос.

Зарафшон дарёси ўзининг юқори қисмида Зарафшон музлигидан Мастчоҳ номи билан бошланади. У Айний қишлоғи ёнида чап ирмоғи Фандарё билан қўшилгач, Зарафшон номини олади. Зарафшон дарёси тоғли қисмида қўпириб, тошларга урилиб, секундига 15-17 м тезликда оқади. Бу қисмида Зарафшон 200 га яқин ирмоқларни қўшиб олади. Бу ирмоқлар ичида энг муҳимлари чапдан қўшилувчи Фандарё, Киштутдарё ва Мағиёндарёдир. Қолган ирмоқлари кичик. Зарафшон дарёси Панжакент шахридан ўтгандан кейин, вилоят ҳудудида биронта ҳам доимий оқадиган ирмоғи йўқ. Лекин суғориш натижасида суви камайиб, Зарафшон дарёсига қуйилмайдиган 120 та сой бор. Шу сойларнинг 50 таси Нурота – Оқтоғдан, қолганини Қоратепа, Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғларидан бошланади. Бу сойларнинг энг муҳимлари Зарафшон тизмасидан бошланувчи Ургутсой, Омонқўтонсой, Камангарансой, Оғалисой, Сазангсой, Оқсой ва Нурота-Оқтоғдан бошланувчи Турсунсой, Оқтепасой, Тасмачисой, Лангарсой, Кўксарой ва бошқалар.

НАТИЖАЛАР

Зарафшон дарёси вилоят ҳудудида секин оқиб, кенглиги 3-4 км келадиган қайирлар ҳосил қилган. У Самарқанд шаҳридан 8 км ўтгач, Оқдарё (узунлиги 130 км) ва Қорадарё (узунлиги 127 км) номи билан икки тармоққа бўлинади. Хатирчи қишлоғида эса бу икки тармоқ яна бирлашиб, орасида ҳосилдор Миёнкол оролини ҳосил қилади. Оролнинг узунлиги 100 км, кенглиги 15 км, майдони эса 1200 кв.км дир.

Зарафшон дарёси серсув бўлиб, Зарафшон, Туркистон ва Ҳисор тоғларида жойлашган умумий майдони 556,7 кв.км бўлган 424 га яқин музликларидан ва доимий қорлардан сув олади. Зарафшон дарёсининг йиллик оқими 100 % десак, шунинг 65 % и муз ва қорларнинг эришидан, 34 % м қор сувларидан ва атиги 1 % и ёмғир сувларидан иборат. Демак, Зарафшон дарёси йиллик оқимнинг 61,1 % ини ўтказади. Энг кам сув сарфи (30-35 $м^3$/сек) эса қиш фаслига тўғри келади. Аксинча, суви энг кўпайган давр ёзга тўғри келиб, июлда баъзан секундига 930 $м^3$ гача сув оқизади. Зарафшон дарёсининг ўртача йиллик сув сарфи секундига 165 $м^3$ ни ташкил этади.

Маълумотларга кўра вилоят ҳудудида ҳар йили 914 млн $м^3$ ер ости суви тўпланади. Унинг асосий қисми (52%) суғориш шахобчаларидан, экин далаларидан бўладиган шимилиш ҳисобига, 26 %и Зарафшон водийсининг юқори қисмидан сизиб келиш ҳисобига, 10 %и вилоятнинг ўзида дарёдан шимилиш ҳисобига, 3 %и атрофни ўраб турган тоғлардан ва 6 %и Каттақўрғон сув омборидан сизиб келган сувлар ҳисобига тўғри келади.

МУҲОКАМА

Биологик ресурслар. Самарқанд вилоятининг табиий ўсимликлари кишиларнинг хўжалик фаолияти туфайли анча ўзгантирилган. Шу сабабли маданий воҳа тупроғи тарқалган обикор ерларда асосан маданий ўсимликлар ўстирилади.

Зарафшон дарёсининг қуйи қайирларида ва эски қайирларида ҳамда қадимий ўзанларида қамиш, рўвак, жинғил, тол, ёввоий жийда, янтоқ, шўражриқ, кампирсоч, итгунафша, сувранг, юлғун ўсади.

Самарқанд вилоятининг бўз тупроқли лалмикор ерларида қозиқулоқ, шувоқ, буғдойиқ, оқ қуврак, кампирчопон ўсади. Шунингдек, бу жойларда баҳорда эфемер ва эфемероид ўсимликлар, айниқса қўнғирбош, лолақизғалдоқ, чучмома кабилар кенг тарқалган.

ХУЛОСА

Вилоят Туркистондаги аҳоли зич яшайдиган районлардан бири бўлганлиги сабабли, унинг табиий фаунасига катта таъсир кўрсатилган. Бу ерларда Туркистонга хос ҳайвонларнинг баъзи турлари учрайди: бўри, тулки, қуён, чиябўри, жайрон ва жайра, тўқайзорларда эса қирғовул, лойхурак, ўрдак яшайди. Бу ерда қушлардан яна сўфитўрғай, чумчуқ, зарғалдоқ, судралиб юрувчилардан геккон, калтакесак, тошбақа, сариқ илон, эчкемар, кемирувчилардан кўрсичқон, кичик қўшоёқ, қумсичқон, типратикан, каламуш ва бошқалар учрайди.

REFERENCES

1. Tojieva Zulxumor Nazarovna, Dusmanov Farhod Azamqulovich, Muhamedova Nazokat Jurayevna, & Haydarova Surayyo Abdusalomovna (2016). Mustaqillikdan keyingi yillarda O'zbekiston Respublikasi aholisining o'limi va umr ko'rish davomiyligi. Evropa ilmiy sharhi, (3-4), 24-27.
2. Shernayev Akbar (2020/1/30) Abstracts of V International Scientific and Practical Conference Osaka, Japan 29-31 January 2020,189-193.
3. Иброимов, Ш. И. Ў., & Болтаев, М. Ж. (2020). Ўзбекистон тоғ-водийларининг экотуристик имкониятлари ва улардан фойдаланиш. Academic Research in Educational Sciences, (1).
4. Rajabov Furkat Turakulovich, Sattarov Abdisamat Umirkulovich (2020) FARMS OF UZBEKISTAN: DEVELOPMENT, SPECIALIZATION, GEOGRAPHY. Journal of Critical Reviews, 7 (6), 1189-1196.
5. Oybek Uralovich Abdimurotov (2020). TABIIY GEOGRAFIYA DARSLARINI MUSTAQIL O‘RGANISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING IMKONIYATLARI. Academic research in educational sciences, (3), 1306-1312.
6. Ibroimov, S., & Madaminova, M. (2020). Maktablarda geografiya fanini o ‘qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalarni qo ‘llash. Academic research in educational sciences, (1).
7. Radjabov, F. (2020). Describe the Individual Food Industry Contents and their Role in the Delivery of Agricultural Products. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 19(1), 292-294.
8. Komilova, N. K., Haydarova, Ş. A., Xalmirzaev, A. A., Kurbanov, S. B., & Rajabov, F. T. (2019). Territorial Structure of Agriculture Development in Uzbekistan in Terms of Economical Geography. Journal of Advanced Research in Law and Economics, 10(8 (46)), 2364-2372.
9. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, Мансур Фарманович Бўрибеков, & Мақсуда Анвар Қизи Сатторова (2020). ЁШ АВЛОДГА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЕТКАЗИШ. Academic research in educational sciences, (3), 275-279.
10. Turakulovich RF (2020). Dynamics and Regional Features of Agricultural Production. In the Republic of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24 (2), 1264-1269.
11. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ,

ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
12. Шерзод Иброимов, Маҳмуд Болтаев, & Мақсуда Сатторова (2020). МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА РЕКРЕАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, (3), 146-151.
13. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.
14. Sharipov Shavkat Mukhamajanovich, Shomurodova Shahnoza Gayratovna, Gudalov Mirkomil Ravshanovich (2020) THE USE OF THE MOUNTAIN KARS IN THE TOURISM SPHERE IN CORT AND RECREATION ZONE OF CHIMGAN-CHARVAK. Journal of Critical Reviews, 7 (3), 475-481.
15. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера Тянь-Шаня в зоне отдыха Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 15.12.2020).